

От кўшилган тўрт гилдиракли арава кўприк устига келиб тўхтагач, одамлар ҳам ўз араваларидан тушдилар. Барча отликлар, шулар катори Дейвс ҳам отларидан тушиб, негр бола ортилган арава атрофига йигилишди. Дейвс турган жойида кўприк тагидаги сув узра таралиб ётган узун-узун чирок нурларини кузатиб турар, бошка эркаклар эса бир устунга аркон боғлаш билан банд эдилар, шу пайт бирдан Дейвс титраб кетди, улар арконнинг бир учини негр боланинг бўйни атрофидан боғлай бошлашди.

Нихоят томошаталаб оломон ишларини битириб, жой-жойларига кайтишди, Дейвс эса бу манзарага дош беролмай, юзини ўгирди.

– Айтадиган бирон гапинг борми? – шу пайт оломон орасидан тахдидли бир овоз янгради. Жавоб бўлмади. Негр бола жон талвасасида инкиллаб кийналар, афтидан у анча вақтдан буён беҳуш бўлиб ётарди.

Шу вақт ўн-ўн икки чоғли киши атайлаб келишиб олишгандай биргаликда бу занжи танани хавога баланд кўтардилар, Дейвс бўлса арконнинг гичирлаган товуши остида мажокланиб кетган кичик жуссани дам пастга, дам тепага тушириб-чиқарилишини кўриб, ичи туздек ачиб кетди.

Хира ой ёғдусида беҳуш вужуд худди курашмокчидай бўлиб кўринар, аммо барибир унинг забони ҳаракатга келмасди. Дейвс оғзи кенг очилган, сўзсиз – садосиз танани ва ниҳоят кимирлашдан тўхтаганини кузатиб турди. Бироз фурсат ўтгач эса у оломонни кетишга шайланаётганини эшитди, охири улар ёш мухбирнинг бир ўзини хаёллари билан бирга ёлғиз колдирганча жўнаб кетишди.

Дейвс сукунат ичида, сувга термулганча киргок четига чўк тушиб колди. Мана энди бор даҳшат адогига етди. Азобланиш ҳам барҳам топди. У ортик васвасага тушмайди. Мана энди хаёт гўзал ва бегубор. Бор фожеа изсиз йўколди; ой ҳам охири сув ичига гарк бўлди...

Аслида Дейвс Болдвиндаги кичкинагина почтага зудлик билан бориб, бўлиб ўтган воқеа бўйича кўшимча тафсилотларни ёзиб юбориш билан шугулланса ҳам бўларди...

Жуда кеч бўлганди, бироқ айна дамда вақтнинг, лахзаларнинг нима ахамияти бор? Ҳеч қандай бошка мухбир ходиса жараёнида иштирок этмагач, эртага воқеанинг ўзидан-да ошириб, таъсирлироқ бирор хикоя ёзиш Дейвснинг ўзининг ҳам кўлидан келади-ку.

Ёш мухбир то тонг ёришгунича ўша ерда ўтираверди... Жонсиз негр танаси эса осмонга тикка холда эгилиб-букилганча, қорайиб осилиб тураркан, эрталабки енгил шабадада хиёл тебраниб кўярди.

Ахийри Дейвс ўрнидан туриб, отига минди-да, юраги тунги фожеадан гам-гуссага тўлган алфозда Плезент Водийсига кайтиб кетди.

Пешингача биронта поезд келмагач, у тобора кўпроқ тафсилотлар тўплаб олишга қарор қилди.

Яна бир кун сўнггига етиб, куёш ботиши билан у туйқусдан мурдани қаерга олиб кетилганидан воқиф бўлмай колганини эслади. Вахоланки у негрнинг нима мақсадда ортга кайтганию, айнан қаерда кўлга олинганлиги тўғрисида ҳам на биронта маълумот била олганди, ва на эшитганди. Негрнинг кулбаси эса икки мил нарида, қарагай шохлари соя солиб турган йўл ёқасига жойлашганди. Эшик олдида бироз каловланиб тургач Дейвс юрак ютиб эшикни тақиллатди. Ҳеч қандай садо бўлмагач, у ичкарига бош сукиб қаради. Бу оддийгина бир кулба эди. Андақ фурсат ўтиб, ичкаридаги эшик очилди ва битта қорача кизча остонада пайдо бўлди. Дейвс бир дақиқа кизчага тикилиб колди-да,

кейин аста сўради:

– Жеф Инголс яшайдиган уй шуми?

Киз бош иргаб: “Ха”, ишорасини берди. У кўз ёшларини аранг тийиб турар, гўё мана хозир, хозир йиглаб юборадигандай бўлиб кўринарди.

– Жасадни шу ерга олиб келишдими?

– Ха, жаноб, – негрларга хос юмшок талаффуз билан жавоб берди кизча.

– Сен унинг синглизимисан?

– Шундай, жаноб.

– Яхши, унинг кандай килиб тутиб олинганини менга айтиб бера оласанми? У кандай килиб ва нима максадда ортига кайтиб келганди?

– Акам пешин пайтида келганди, соат тахминан 2:00да.

– Нима максадда? – деб саволини такрорлади Дейвс.

– Бизларни кўргани келганди, – деб жавоб берди киз. – Онамизни кўргани келганди.

– Шунака дегин, у яна нимадир истаганмиди? Шунчаки онасинигина кўриб кетиш учун келмагандир, тўгрими?

– Гапим рост, жаноб, – дея таъкидлади кизча. – Акам хайрлашгани келганди. Улар акамни кай пайтда тутиб кетишганини биз билмай хам колдик.

Кизчанинг овози калтираб чикди.

– Ха, майли, унинг ўзи кўлга тушишидан хабари бормиди? – сўради Дейвс хайрихохлик билан.

– Шундай, жаноб, менимча хабари бўлганди.

Кизча хамон маъюс кўзларини ерга кадаганча, бош эгиб турарди.

– Яхши, у нимадир дедими?

– У онамни кўргиси келганини гапирди, холос.

– Унинг жасадини кўрсам бўладими? – деб изн сўраган бўлди Дейвс. Кизча жавоб бериш ўрнига худди йўл бошлаган каби олдинга юриб кетди.

– Дафн маросими қачон бўлади? – йўл-йўлакай савол ташлади Дейвс яна.

– Эртага.

Шундай деб негр кизча уни мурда ётган хонага бошлаб кирди.

Ёш мухбир ўкирган фарёд кулогига киргунча жасадга тикилиб тураверди. Бу фарёд зим-зиё хонани портлатгудай бўлиб янграб кетди. Бирдан унинг юраги ақлдан озган телба сингари дукур-дукур килиб ура бошлади. Дейвс аввалига бу садо эхтимол ўлик танадан чиқаётганмикан, дея донг котиб колди.

– Оо-о-охх! – овоз тагин такрорланди, бу гал Дейвсга бу товуш зорланиб чиқаётган йигидай, гўё кимдир бўзлаб-бўзлаб ўкираётгандай бўлиб туюлди. Дейвс жони халак бўлиб, тез ўгирилиб каради-да, ниманингдир сояси каби бўлиб кўринган бир аёл вужудига урилиб кетгудай бўлди.

– Ох, ох, ох – энди фарёдли овознинг ўзигина кайталанди.

Дейвснинг хуши бошига кела бошлади. У кекса она хузурида турарди. Аёл икки девор ўртасидаги кўримсизгина жавон тагида, бошини тиззалари орасига олганча, бутун вужуди билан ниҳоясиз гурбатга ботиб ўтирарди. “Ох, ох, ох”, Дейвс аёлга якин келиши билан у тагин нола кила бошлади.

Дейвс жимгина ортига чекинди. Унинг кўзларига ёш куйилиб келди. Йигит зудлик билан негр боланинг мурдасини ёпди-да, хонадан чикиб кетди.

Ташкарида, ой шуъласида Дейвс ортига ўгирилиб каради. Бутун мотамсаро кулба ўзининг биргина кўримлик жихози – эшиги билан шунчалар ачинарли бўлиб

кўринардик! Хона бурчагида бир ўзи бўзлаб ўтирган она – ва унга “Хайр!” айтиш учун келган шўрлик корача Жеф! Дейвснинг калби кайгу-хасратдан ёрилиб кетай деди. Ўтган тун, ўтган фожеа, кўнгилни пармалаб колган азоб – ёш мухбир Дейвс буларнинг барини ўз кўзлари билан кўриб, калбига мухрлаб колганди.
– Мен хаммасини ёзаман, – деб хитоб килди у. – Мен хаммасини ёзаман!

Инглизчадан Кандилат Юсупова таржимаси
«Китоб дунёси» газетасидан олинди.